




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ВА КОРХОНАЛАРИНИНГ ИНФЛЯЦИОН КУТИЛМАЛАРИ

2018 йил III чорак



Тошкент 2018 й.

МУНДАРИЖА

ИҚТИСОДИЁТДАГИ ИНФЛЯЦИОН КУТИЛМАЛАР ТҮҒРИСИДА МАЪЛУМОТ	3
ИНФЛЯЦИОН КУТИЛМАЛАР БЎЙИЧА СЎРОВ НАТИЖАЛАРИ	10
I. Сўров иштирокчилари таркиби	10
II. Ўтган даврда сезилган инфляцияни ўрганиш натижалари	11
III. Инфляция сабабларини ўрганиш натижалари	14
IV. Инфляцион кутилмаларни ўрганиш натижалари	16
V. Аҳолининг харид қобилиятини ўрганиш натижалари	19
VI. Аҳолининг жамғариш кайфиятини ўрганиш натижалари	21
VII. Кредитга бўлган муносабатни ўрганиш натижалари	22
VIII. Келгусида иқтисодиётдаги ўзгаришлар кутилмаси бўйича саволлар натижалари	24

ИҚТИСОДИЁТДАГИ ИНФЛЯЦИОН КУТИЛМАЛАР ТҮҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

Жорий йилнинг III чорагида иқтисодиётдаги инфляцион кутилмалар бўйича ўтказилган сўровлар натижаларига кўра инфляциянинг аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари томонидан сезилган ва кутилаётган даражаларида сезиларли ўзгаришлар кузатилди. Жумладан, йилнинг биринчи ярмидаги пасайишдан сўнг мазкур кўрсаткичлар июль ойидан бошлаб ошиб борди.

Хусусан, III чоракда инфляцион кутилмаларнинг ошишига респондентларнинг келгусидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархи, коммунал тўловлар тарифи ва иш ҳақи ошишига бўлган ишончлари ортгани таъсир этган. Шу билан бирга, охирги ойлар давомида миллий валюта алмашув курсининг қадрсизлана бошлиши сентябрь ойидаги кутилмаларда ўз аксини топди.

Шунингдек, маъмурий тарзда тартибга солинадиган нархларнинг режалаштирилаётган эркинлаштирилиши келгусида инфляцион кутилмаларни янада ортишига ҳамда бир вақтнинг ўзида нархларга бир неча омилларнинг салбий таъсири инфляцион кутилмаларнинг юқори даражада сақланиб қолинишига сабаб бўлиши мумкин.

Сезилган инфляция

2018 йилнинг июль-сентябрь ойларида аҳоли томонидан сезилган қисқа муддатли инфляция индексида кўтарилиш кузатилди. Хусусан, июль ойида индекснинг¹ ойлик ўсиши 20 фоизни ташкил этиб 505 бандгача кўтарилиган бўлса, август ойида деярли ўзгаришсиз қолди, сентябрда эса ўшишни давом эттириб, 580 бандга тенг бўлди. Юридик шахслар томонидан сезилган инфляция индекси эса сентябрда июнь ойига нисбатан 31 фоизга ошиб 508 бандни ташкил этди (1-расм).

III чорак давомида аввалги чоракка нисбатан сезилган инфляция индекси кўтарилишига респондентлар томонидан белгиланган


¹ Сезилган инфляция индекси – сезилган инфляция даражасини аниқлаш бўйича берилган саволга респондентлар томонидан белгиланган барча жавобларнинг баланслаштириш усули орқали умумлаштирилган кўрсаткичи. Индекс диапазони 0 дан 1000 гача.

нархлар “пасайди” ва “ўзгармади” жавоблари улуши қисқариши ва нархлар ошганини қайд этганлар улуши ортиши сабаб бўлди (5 ва 9-расмлар). Қайд этиш жоизки, индекс кўтарилишига сабаб бўлган жавобларнинг аксарият қисмини нархлар “биroz ошди” жавоби ташкил қилган.

Шу билан бирга, жорий сезилган инфляция индекси йил бошидаги кўрсаткичларга нисбатан паст даражада бўлса ҳам унинг ўсиш динамикаси давом этмоқда, бу ўз навбатида келгусидаги инфляцион кутилмаларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

1-расм

2018 йил январь-сентябрь давомида сезилган инфляция индекси динамикаси



Сентябрь ойида сўровда иштирок этган жисмоний шахслар “қайси асосий товар ва хизматларнинг нархи юқори даражада ошди?” саволига асосан помидор, мол гўшти, гуруч ва қўй гўштини белгилаганлар. Шунингдек, ушбу ойда аввалги ойлардан фарқли равишда картошка, буғдой уни, нон, товуқ гўшти, сабзи нархлари ошганини кўрсатган респондентлар улуши сезиларли даражада ортган (11-расм).

Таъкидлаш лозимки, охирги ойларда гўшт ва гуручнинг нархларида сезиларли ўзгариш қайд этилмаган бўлсада, июль-сентябрь мобайнида ахоли томонидан айнан ушбу маҳсулотлар нархларининг юқори даражада ошганлиги қайд этилган. Бу ҳолат ахолининг баъзи истеъмол товарлари нархларининг ошишига бўлган

таъсирчанлик даражаси юқорилигини ва бу таъсир нархлар сезиларли даражада ўзгармаса ҳам маълум бир муддат сақланиб қолинишини кўрсатмоқда.


Тадбиркорлик субъектлари томонидан “ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизматларнинг таннархи ошишига қайси омиллар юқори даражада таъсир кўрсатди?” саволига асосан хом ашёлар нархи, транспорт ва ишчи кучи харажатлари қайд этилган. Шунингдек, сентябрь ойида кузатилган валюта алмашув курсининг кўтарилиши ушбу ойда маҳсулотлар таннархи ошишининг асосий омилларидан бири бўлди (13-расм).

Инфляцион кутилмалар

2018 йилнинг III чораги мобайнида аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари инфляцион кутилмаларида ҳам ўсиш тенденцияси кузатилди.

2-расм

Қисқа муддатли инфляцион кутилмалари индекси динамикаси



Хусусан, сентябрь ойида жисмоний шахсларнинг қисқа муддатли (келгуси ойга) инфляцион кутилмалари индекси² II чорак охирига нисбатан 48 фоизга ошиб 569 бандни ташкил этган бўлса юридик

² Инфляцион кутилмалар индекси – келгусида кутилаётган инфляция даражасини аниqlаш бўйича берилган саволларга респондентлар томонидан белгиланган барча жавобларнинг баланслаштириш усули орқали умумлаштирилган кўрсаткичи. Индекс диапазони 0 дан 1000 гача.


шахсларнинг кутилмалари индекси 50 фоизга ортиб 544 бандга тенг бўлди (2-расм).

III чоракда аввалги чоракка нисбатан қисқа муддатли инфляцион кутилмалар индекси кўтарилишига респондентлар томонидан белгиланган келгуси ойда нархлар “пасаяди” ва “ўзгармайди” жавоблари улуши жисмоний шахсларда 44 фоиздан 22 фоизга, юридик шахсларда 52 фоиздан 32 фоизга қисқариши ҳамда нархлар ошишини кутаётган жисмоний шахсларнинг улуши 48 фоиздан 71 фоизга, юридик шахсларнинг улуши эса 47 фоиздан 68 фоизгача ортиши сабаб бўлди (14 ва 18-расмлар).

Жорий йилнинг июль-сентябрь ойларида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг келгуси 12 ойга бўлган узоқ муддатли инфляцион кутилмаларида ҳам салбий тренд кузатилди. Аввалги чоракда деярли ўзгаришсиз сақланиб келган кутилмалар индекслари III чоракда оймай ўсишни бошлади ва чорак охирига келиб жисмоний ва юриқдик шахслар индекслари мос равишда 665 ва 692 бандга тенг бўлди (3-расм).

3-расм

Келгуси 12 ойлик инфляцион кутилмалари индекси динамикаси



Сўровда иштирок этган респондентларнинг келгуси 12 ойдаги нархлар ўзгариши бўйича жавобларида нархлар ошишини кутаётганлар улуши аввалги чоракка нисбатан сезиларли даражада ошди. Хусусан, жисмоний шахслар орасида умуман нархлар ошишини

кутаётганлар улуши 9 фоизга ортиб 80 фоизни ташкил этган бўлса, юридик шахсларнинг 90 фоизи келгуси 12 ойда нархлар ҳозиргидан юқори бўлишини кўрсатган (16 ва 19-расмлар).

Қайд этиш лозимки, III чорак бошида юридик шахсларнинг узоқ муддатли кутилмалари аҳолиникига нисбатан ижобийроқ бўлган бўлса, сентябрга келиб уларнинг келгусидаги нархлар ошиши бўйича кутилмалари аҳолиникидан юқорилаб кетди. Бу ўз навбатида тадбиркорлик субъектларининг келгусидаги нархлар бўйича ҳавотирлари сезиларли даражада ортганини билдиради.

Инфляцион кутилмаларнинг ошишига респондентлар томонидан баҳор ва ёз мавсумидаги сув танқислиги натижасида аввалги йилларга нисбатан ҳосилдорлик пастлиги ҳамда қиш-баҳор мавсуми учун мева ва сабзавотларни захиралаш ишлари бошланиши бозордаги нархларга таъсир кўрсатиши, 1-навли буғдой уни ва нон нархларининг эркинлаштирилиши, коммунал тўловлар ва иш ҳақи ошиши ва валюта алмашув курси кўтарилиши асосий сабаб сифатида қайд этилган.

Шу билан бирга, асосий истеъмол товарлар ёки хизматларнинг кимматлашиши келгусидаги инфляцион кутилмаларни ошишига кўшимча туртки бериши мумкин.

Иқтисодиётдаги кутилмалар

Мамлакатдаги юқори иқтисодий фаоллик ва нархлар ошиши ўз навбатида аҳоли даромадларига ҳам таъсир этмоқда.

Жумладан, аҳолининг харид қобилиятини ўрганиш натижалари 2018 йилнинг III чорагида аҳолининг даромадлари бироз ошганини кўрсатмоқда. Хусусан, сўровда аввалги 12 ой давомида даромади ошганини белгилаганлар улуши II чоракка нисбатан 7 фоиз бандга ошиб 63 фоизни ташкил этган бўлса, даромади ошмаганини белгилаганлар улуши 6 фоиз бандга қисқарив 33 фоизни ташкил этди (21-расм). Шунингдек, аҳолининг даромадлари нархларга нисбатан паст даражада ошганини белгилаганлар улуши деярли ўзгармади (66 фоиз) (22-расм).

Аҳолининг келгусидаги даромадлари ўзгариши бўйича кутилмаларида ҳам оптимистик қарашлар кузатилди. Респондентларнинг келгуси 12 ойда даромади ошишини кутаётганлари улуши 68 фоизга етган бўлса, даромади ошмаслигини билдирганлар улуши 21 фоизгача қисқарди. Бироқ даромадлари

ошиши кутаётганларнинг аксарият қисми ўсиш нархлар ошишига нисбатан паст даражада бўлишини билдирган (23-расм).

Шу билан бирга, иқтисодиётда келгусидаги иш ҳақи ошиши бўйича ҳам аниқлик пайдо бўлмоқда. Хусусан, сўровда иштирок этган тадбиркорлик субъектларининг 52 фоизи келгуси 12 ойда иш ҳақи “10 фоиздан 20 фоизгача” ошишини қайд этган. Аввалги чорак давомида иш ҳақи “10 фоизгача” ва “20 фоиздан юқори” ошишини белгилаганлар улуши деярли тенг бўлган бўлса III чорақда “10 фоизгача” ошишини белгилаганлар улуши 30 фоизгача ортди, “20 фоиздан юқори” ошишини белгилаганлар улуши эса 11 фоизгача қисқарди (30-расм).

Бу ўз навбатида аҳоли даромадлари томонидан инфляцияга бўлган босим аввалги йиллардаги даражадан юқори бўлмаслигини англатади.

Жорий йилнинг III чорагида аҳолининг жамғариш кайфиятида сезиларли ўзгариш кузатилмади. Респондентларнинг катта қисми жамғармаларини тадбиркорликка ишлатишини (47 фоиз) ва уларни қисман ишлатишини (31 фоиз) қайд этган. Жамғармаларни сақлаб қўйишини билдирганлар 9 фоизни ташкил этди (24-расм).

Хусусан, жамғармаларни банқда сақлашни маъқул кўрганлар улуши III чорақда 7 фоиз бандга ошиб 57 фоизни ташкил этди, нақд кўринишда сақлашни маъқуллаганлар улуши эса 6 фоиз бандга қисқариб 20 фоизга тенг бўлди. Шунингдек, респондентларнинг аксарияти (47 фоизи) жамғармаларни миллий валютада сақлашни афзалроқ кўрган бўлса, учдан бир қисми чет эл валютасини танлаганлар (25-расм). Бу, жамғарма воситаси сифатида сўмга бўлган ишонч III чорак давомида сақланиб қолганини кўрсатади.

Охирги ойлардаги сўмнинг қадрсизлана бошлиши сўровда иштирок этган жисмоний ва юридик шахсларнинг келгусидаги АҚШ долларининг сўмга нисбатан алмашув курси бўйича кутилмаларида ўз аксини топди. Бу борада жисмоний ва юридик шахсларнинг кутилмалари деярли тенг бўлиб III чорак мобайнида ойма-ой кескин кўтарилиб борди. Ўнгги сўров натижаларига кўра сентябрь охирига 1 АҚШ долларини 8 180 сўм атрофида, декабр охирига эса 8 300 сўм атрофида кутганлар (31-расм).

Ушбу ҳолат аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг алмашув курси бўйича ҳавотирлари мавжудлигини кўрсатади ва бу ўз ўрнида уларнинг инфляцион кутилмаларига таъсир этиши мумкин.

Шунингдек, сўровда аҳолининг кредитга бўлган муносабати ўрганилди. Олинган натижаларга кўра респондентларнинг 60 фоизида жорий кредитлар мавжудлиги аниқланди. Бунда асосан истеъмол кредити (22 фоиз респондент), ипотека кредити (11 фоиз) ва автокредит (9 фоиз) оммабоплиги кузатилди (26-расм).

Келгуси 12 ойда тижорат банкларининг кредит фоиз ставкалари бўйича респондентларнинг кутилмалари III чорақда аввалги чоракка нисбатан бироз ошди. Хусусан, банклар кредит ставкалари “20 фоизгача” бўлишини кутганлар улуши 15 фоиз бандга қисқариб 56 фоизни ташкил этган бўлса, “20 фоиздан юқори” бўлишини кутганлар улуши 44 фоизга етди (27-расм).

Тижорат банклари кредит ставкалари бўйича кутилмалар юқорилаганига қарамасдан, респондентлар кредитга бўлган эҳтиёжи юқорилигини билдириди. Жумладан, сентябрь ойида сўровда иштирок этган аҳолининг фақат 16 фоизи келгуси 12 ойда кредитга муҳтож эмаслигини ҳамда 30 фоизи кредит олишни режалаштираётганини кўрсатган (28-расм). “Айнан қайси кредит туридан фойдаланмоқчисиз?” саволига респондентларнинг 23 фоизи автокредитни, 20 фоизи истеъмол кредитини, 17 фоизи ипотека кредитини белгилаганлар (29-расм).

Қайд этилган кредит турларига бўлган юқори талаб келгусида истеъмол талабини ошишига ва бу эса ўз навбатида иқтисодиётдаги нархларга қўшимча инфляцион босим яратиши мумкин.

ИНФЛЯЦИОН КУТИЛМАЛАР БҮЙИЧА СҮРОВ НАТИЖАЛАРИ


Усул	Ўзбекистон аҳолиси ва тадбиркорлик субъектлари орасида стандартлаштирилган юзма-юз сўров
Жами иштирокчилар (ҳар ой)	Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри кесимида жами 750 нафар жисмоний шахслар ва 300 та юридик шахслар
Даврийлиги	Ойма-ой
Сўров ўтказилган муддат	2018 йил январь - сентябрь

I. Сўров иштирокчилари таркиби


4-расм

Сўров респондентларининг фаолият соҳаси (фоизда)

а) жисмоний шахслар



б) юридик шахслар




II. Ўтган даврда сезилган инфляцияни ўрганиш натижалари

Жисмоний шахслар билан ўтказилган сўровлар натижалари

5-расм

Нима деб ўйлайсиз ўтган ойда нархлар ўзгардими?


Сўровда жами иштирок этгандардан фоиздаги улуши



6-расм


Сизнингча охирги 3 ойда нархлар ўзгардими?

Сўровда жами иштирок этгандардан фоиздаги улуши




7-расм**Нима деб ўйлайсиз охирги 12 ойда нархлар қандай ўзгарди?**

Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши

**8-расм****Сизнинг фикрингизча, охирги 12 ойда нархлар қанчага ошди?**

Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши




Юридик шахслар билан ўтказилган сўров натижалари

9-расм

Нима деб ўйлайсиз ўтган ойда нархлар ўзгардими?


Сўровда жами иштирок этгандардан фоиздаги улуши



10-расм

Сизнинг фикрингизча, охирги 12 ойда нархлар қанчага ошди?

Сўровда жами иштирок этгандардан фоиздаги улуши




III. Инфляция сабабларини ўрганиш натижалари

Жисмоний шахслар билан ўтказилган сўров натижалари

11-расм


Сизнинг кузатишларингиз бўйича қайси асосий товар ва хизматларнинг нархи охирги ойда юқори даражада ошиди?

Ушбу саволда респондентлар бир нечта маҳсулотни танлаш имкониятига эга



Нима деб ўйлайсиз охирги 12 ойда нархларнинг тезроқ ошишига нима сабаб бўлмоқда?


Ушбу саволда респондентлар бир нечта омилни танлаш имкониятига эга



Юридик шахслар билан ўтказилган сўров натижалари

Сизнинг кузатишларингиз бўйича маҳсулотингиз (хизматингиз) таннархи ошишига таъсир кўрсатувчи қайси омиллар охирги ойда юқори даражада ошиди (ўзгарди)?

Ушбу саволда респондентлар бир нечта омилни танлаш имкониятига эга




IV. Инфляцион кутилмаларни ўрганиш натижалари

Жисмоний шахслар билан ўтказилган сўров натижалари

14-расм

Нима деб ўйлайсиз келгуси ойда нархлар қандай ўзгариши мумкин?


Сўровда жами иштирок этғанлардан фоиздаги улуши



15-расм

Сизнингча келгуси 3 ойда нархлар қандай ўзгариши мумкин?


Сўровда жами иштирок этғанлардан фоиздаги улуши



16-расм


Сизнинг фикрингизча келгуси 12 ойда умуман олганда нархлар қандай ўзгаради?

Сўровда жами иштирок этғанлардан фоиздаги улуши



17-расм

Сизнинг фикрингизча келгуси 12 ойда нархлар айнан қанчага ошади?




Юридик шахслар билан ўтказилган сўров натижалари

18-расм

Сизнингча келгуси ойда нархлар қандай ўзгариши мумкин?


Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши




19-расм

Сизнинг фикрингизча келгуси 12 ойда нархлар қандай ўзгаради?

Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



20-расм


Сизнинг фикрингизча келгуси 12 ойда нархлар айнан қанчага ошади?**V. Аҳолининг харид қобилиятини ўрганиш натижалари**

21-расм


Охирги (келгуси) 12 ой давомида Сизнинг даромадларингиз ўзгардими (ўзгарадими)?

Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши

а) охирги 12 ой давомида




б) келгуси 12 ой давомида



22-расм

Қуийда айтилганларнинг қайси бири охирги 12 ойда Сизнинг даромадларингиз ва нархлар ўзгариши ўртасидаги муносабатларга кўпроқ мос тушади?


Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



23-расм

Нима деб ўйлайсиз келгуси 12 ойда Сизнинг даромадларингиз ва нархлар ўртасидаги мутаносиблик қандай бўлади?

Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши




VI. Аҳолининг жамғариш кайфиятини ўрганиш натижалари

24-расм

Агар Сизда жамғармангиз бўлганда (ёки ҳозир бор) уни қандай ишлатишни хохлаган бўлардингиз?


Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



25-расм

Нима деб ўйлайсиз ҳозирги пайтда жамғармани қанақа шаклда сақлаган маъқул?

Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши




VII. Кредитга бўлган муносабатни ўрганиш натижалари

26-расм

Бугунги кунда сизда жорий банк кредити борми (тўлов муддати тугалланмаган)? Агар бўлса, қайси турдаги кредит (кредитлар)?


Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



27-расм

Сизнинг фикрингизча келгуси 12 ойда тижорат банкларининг кредитлари ставкаси қандай ўзгаради?


Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



28-расм

Келгуси 12 ойда сиз ёки оила аъзоларингиз кредит ҳисобидан буюмлар харид қилишни ёки банк кредити олиши мўлжалляпсизми?


Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



29-расм

Келгуси бир йил давомида айнан қайси кредит (кредитлар) туридан (турларидан) фойдаланмоқчисиз?

Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши




VIII. Келгусида иқтисодиётда ўзгаришлар кутилмаси бўйича саволлар натижалари

Юридик шахслар билан ўтказилган сўров натижалари

30-расм

Сизнинг фикрингизча келгуси 12 ойда иш ҳақи қандай ўзгаради?

Сўровда жами иштирок этғанлардан фоиздаги улуши



31-расм

Сизнинг фикрингизча келгусидаги сўмниг АҚШ долларига нисбатан алмашув курси қанча бўлади?

Белгиланган жавобларнинг ўртacha тортилган қиймати (сўмда)

а) жорий йил сентябрь охирида

б) жорий йил декабри охирида

